Ушбу сонда: 2 ТИЙИННИ ТЕЖАБ, КЎПНИ БОЙ БЕРИШЯПТИ 3 ЎЛЖАГА ҚОЛГАН ҲАЁТ 4 СПОРТ ЙЎРИҚЧИСИ НИМАГА ҚОДИР?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 14 апрел, чоршанба №42 (689)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



**БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**

## ФАРМОНИ

**Т.Г.Анодинани «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида**

Илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, замонавий авиация техникасини ишлаб чиқарувчи сифатида Ўзбекистоннинг ролини оширишга, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга фаол кўмаклашаётганлиги учун Ҳамдўстликнинг Давлатлараро авиация қўмитаси раиси Татьяна Григорьевна Анодина «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 1999 йил 13 апрел

# ТОЖИКИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Яқинда Туркманистон пойтахтида Ўрта Осиё мамлакатлари ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг саммити доирасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов билан учрашган эди. Ушбу учрашувда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масаласи хусусида фикр алмашилиб, Ўзбекистонга Тожикистон ҳукумати делегациясининг ташрифини амалга оширишга келишиб олинган эди. Президентларнинг ташаббусига биноан, 13 апрел куни Тожикистон Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси юртимизга ташриф буюрди.**

«Дўрмон» қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ҳамда Тожикистон Бош вазири Я.Азимов иштирокида икки мамлакат ҳукумат делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, тожикистонлик юқори мартабали меҳмон ўз мамлакатининг МДҲ давлатлари орасидаги энг катта савдо шериги Ўзбекистон эканини қайд этиб, айни пайтда Тожикистон ташқи савдосининг қирқ фоиздан зиёди бизнинг мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келаётганини айтди. Ўзбекистон-Тожикистон муносабатлари икки томонлама алоқалар пойдеворининг мустаҳкамлиги жиҳатидан ҳам алоҳида ажралиб туради. Амалий учрашувларнинг давомийлиги эса, алоқаларимизни янада ривожлантиришга кўмак бермоқда.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликка алоқадор кенг қамровли масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, электр ва ёқилғи энергетикаси, темир ва автомобил йўллари орқали алоқалар, транзит ва бошқа масалалар кўриб чиқилди. Томонлар илгари имзоланган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳам ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирди.

Тадбир доирасида ҳар икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари тармоқлараро алоқаларни чуқурлаштириш, ўзаро ҳамкорлик истиқболлари билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Учрашув ниҳоясида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Тожикистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1999 йилда сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ҳукумат делегацияларининг музокаралари якунларига доир Протокол имзоланди. Ҳужжатларга Бош вазирлар имзо чекди.

Ҳужжатларни имзолаш маросими ниҳоясида Тожикистон Бош вазири оммавий ахборот воситалари вакиллари учун интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Бугунги музокараларда кўплаб муҳим масалалар кўриб чиқилди. Улар орасидаги сув-энергетика захираларидан фойдаланиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталмоқчиман. Бу борада имзоланган ҳужжатнинг аҳамиятли томони шуки, у фақатгина сувдан электр энергияси олишни эмас, балки умуман сув захираларидан унумли фойдаланишни кўзда тутади. Учрашув доирасида транспорт коммуникацияси, савдо-сотиқ ва шу каби кўплаб бошқа масалалар бўйича ҳам амалий музокаралар ўтказилди.

Музокаралардан биз тўла қониқиш ҳис қилдик. Музокаралар бир-биримизни тушуниш ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Умуман, амалий учрашувларимиз анъанага айланиб бораётгани қувонарлидир. Шу ўринда «ҳовли олма, қўшни ол» деган мақолни келтириш ўринлидир. Айтмоқчиманки, биз қўшни изламаймиз, зеро, бизнинг ажойиб қўшнимиз - Ўзбекистон бор.

Шу билан Тожикистон ҳукумати делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА)

*Нуқтаи назар*

# МАҲАЛЛА - БИРЛИК ТИМСОЛИ

**Биринчи чақириқ Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида ўндан ортиқ долзарб масалалар кўрилади ва муҳим ҳужжатлар қабул қилинади. Шулардан бири «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳасидир.**

Бу ҳужжатнинг ўта муҳимлиги ва айни вақтида қабул қилинаётгани ҳақида Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида ҳам минбардан туриб гапирган эдим. Бундай хулосага мен йиллар давомида йиғилган ҳаётий тажрибаларим асосида келдим. Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Навоий номли халқ корпорациясига раҳбарлик қилиб келаяпман. Шу ҳудудда яшаётган ҳар бир фуқаронинг иссиқ-совуғидан тортиб, яхши-ёмон кунигача раҳбар масъул. Аммо унутмаслигимиз керакки, унинг зиммасида хўжалик ташвиши ҳам бор. Ҳар иккисини эплаш осонмас. Мана энди мазкур қонун қабул қилингандан кейин фуқаролар ўзини ўзи бошқаришга ўтади. Маҳалланинг мавқеи тикланади. Оқсоқолнинг масъулияти ортади,янада кучаяди. Ахир шеърият мулкининг султони, раиятнинг доимий ғамхўри Навоий ҳазратлари маҳаллани бежиз «мўъжаз шаҳар» деб атамаганлар. Дарҳақиқат, бу «мўъжаз шаҳар»нинг ўз фуқароси, ўз оқсоқоли ва ўзига хос ташвишлари бор. Уни баҳамжиҳатликда ҳал қилиш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

Яна бир мулоҳаза. Президентимиз кўпинча ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор қилиш, уларни билимли, ҳунарли, хуллас, баркамол авлод қилиб камолотга етказиш ҳақида куйиниб гапирадилар. Чунки ёшларни тарбияламасдан туриб маҳаллани, инчунун, Ватанни обод қилиб бўлмайди. Ўзидан озод ва обод Ватан қолдиришни истаган ҳар бир юрт фарзанди шу ишга бел боғлаши керак. Шу мақсадда хўжалигимиз ҳудудида жойлашган мактабларга ҳомийлик қилиш, келажак авлодни тарбиялаётган мураббийларни рағбатлантиришни йўлга қўйганмиз. Бултур биринчи синфга борган 175 нафар фарзандларимиз лотин алифбосида таҳсил олишяпти. Лекин уларнинг ўқув дастурида инглиз тилини ўқитиш кўзда тутилмаган. Биз навқирон авлодга инглиз тили ўқитилишини йўлга қўйиб, ўқитувчилар учун хўжалик ҳисобидан қўшимча ойлик белгиладик. Ҳозирги кунда инглиз тили ўқитувчиси ойига 20 000 сўм маош оляпти.

«Мактаб-оила-маҳалла» дастурининг амалга оширилиши ҳам баркамол авлодни тарбиялаш, маҳалла мақомини оширишга хизмат қилади. Бу ишларга хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси доимо бошқош бўлмоқда. Асли касби ўқитувчи бўлган Абдураим Мирзаевнинг хўжалик, мактаб маъмурияти, маҳалла оқсоқоллари ва ибратли оила вакиллари билан ҳамкорликда иш юритиши қувончли натижалар бермоқда.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга ўтиши ҳам яна янги натижаларни қўлга киритиш имконини беришига шубҳа йўқ. Чунки ҳозирнинг ўзидаёқ одамлар маҳалла кучини, мавқеини сеза бошлашди. Ўзим ҳам ҳар бир маҳалладошим билан алоҳида учрашаман. Уларнинг кундалик турмуши, йиғилиб қолган муаммолари, ташвиш ва қувончларидан бохабарман. Юқорида айтганимдек, бу «мўъжаз шаҳар»нинг улкан ташвишлари бўлиши мумкин. Улар ўша ернинг ўзида ҳал қилинса, маҳалланинг қудрати кўпроқ сезилади, фуқаролар йиғинининг обрўси ортади. Одамлар ватан ичидаги мўъжаз ватанни, ота-онадек азиз бўлиб қолган маҳаллани юракдан ҳис қилишади. Мени хурсанд қиладиган яна бир нарса маҳаллаларни бошқаришда яхлит тизим - Республика оқсоқоллар кенгаши пайдо бўлмоқда.

**Абдузоҳир ЗИЁЕВ,**
**Олий Мажлис депутати, Ургут тумани.**

# Ижтимоий мажмуа мажлиси

Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар шу йил бошидан буён иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, «Аёллар йили» Давлат дастурини бажариш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўзда тутилган топшириқ ва кўрсатмаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратдилар. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларни бозор иқтисодиёти шароитига уйғун равишда ривожланиб боришини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг шу йил биринчи чорагидаги фаолиятига бағишланган мажлисда ана шу ҳақда гап борди. Унда тегишли вазирлик ва қўмиталар, идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари, жамғармалар ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.Кароматов олиб борди.

Мажлисда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришининг ҳамда «Аёллар йили» дастури, шунингдек Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури бажарилишининг 1999 йил биринчи чорак натижалари ва 1999/2000 ўқув йилида таълим муассасаларини дарслик ва ўқув адабиётлар билан таъминлашнинг аҳволи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Давлат тест маркази директори М.Муҳитдинов, Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й.Саиджоновнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Таъкидланганидек, Соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш мақсадида хусусий шўъбаларни ривожлантиришга жиддий эътибор берилмоқда. Йил бошидан буён 230 врач шахсий врачлик амалиёти учун лицензия олди. Апрел ойига қадар уларнинг умумий сони 2772 кишини ташкил этди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашда ҳам бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Қишлоқ ва шаҳар, шунингдек, маҳалла врачлик пунктларида ишлаш учун минг нафардан зиёд врач тайёрланди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўқув муассасаларида талабалар маънавий тарбиясига эътибор кучайтирилди. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг маҳалла кенгашлари, ота-оналар билан ҳамкорлиги яхши натижа бермоқда. Ёшларнинг спортга қизиқиши тобора ортмоқда. Талабаларнинг билим савиясини баҳолашда тест синовларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Рейтинг тизимининг жорий этилиши билимлар синовини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Халқ таълими вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида 1999/2000 ўқув йили учун нашриётларга 684 номдаги дарслик ва қўлланмаларга буюртма берилди. Ҳозирдаёқ 1-синф ўқувчилари учун 45 номда, 2-11 синфлар учун 16 номдаги дарслик нашрдан чиқарилиб жойларга юборилди. Биргина «Ўзбекистон» нашриётининг ўзи етти тилда 640 номдаги 75 миллион нусха дарслик ва қўлланмалар тайёрлаб беради.

Мажлисда кўрсатиб ўтилган айрим камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш, шунингдек, «Аёллар йили» Давлат дастурининг изчил бажарилишига эътибор қаратиш бўйича соҳа раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА)

Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номли халқ корпорациясининг иссиқхона сабзавоткорлари эл дастурхонини ноз-неъматлар билан безаш, илк меваларни истеъмол учун етказиб бериш мақсадида бу йил ҳам астойдил меҳнат қилмоқдалар.

**Суратда: илғор сабзавоткор Насиба Асқарова меҳнати меваларидан завқланмоқда.**

**Д.АҲМАД олган сурат.**



# ҚОРАТЕПА СИРИ ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистон-Япония қўшма экспедицияси археологлари бу йилги ишларни эски Термиз яқинидаги Қоратепани қазиб ўрганишни давом эттиришдан бошладилар.

Кунчиқар мамлакатининг Соко университети профессори Като Кюдзо бошчилигидаги археологлар эрамизнинг I-IУ асрларида буддизм бу ерда қандай тарқалганлиги сабабларини пухта ўрганишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Уларнинг таъкидлашича, бу йилги изланишлар топилмаларга янада бой бўлади.

(ЎзА)

# ЁШЛАР МАСЪУЛИЯТИ

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти раҳбариятининг талаба ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан бўлган навбатдаги учрашуви маънавий-аҳлоқий тарбияни такомиллаштиришга бағишланди. Олийгоҳ ректори Ҳалима Алимова Президентимизнинг «Туркистон» газетаси ва «Туркистон-Пресс» ахборот агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблари ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида илгари сурган ғоялар, берган кўрсатмалари асосида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳақида, шунингдек, талаба ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, диний экстремизмнинг мақсади тўғрисида тушунчалар бериш, бу йўлда олийгоҳ жамоаси ва талабаларнинг ота-оналари билан ҳамкорликда ишлаш лозимлиги ҳақида гапирди.

Учрашувда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, профессор Рустам Холмуродов олийгоҳ маъмурияти ва талабаларнинг ота-оналари ўртасидаги алоқалар чиндан ҳам таълим-тарбия ишини яхшилашга ижобий таъсир этишини таъкидлади.

Талаба ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳам бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА.**

# ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА

## ЙЎЛСОЗЛАР ҚАНДАЙ ШАРОИТДА МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА

**Республикамиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизда бошқа соҳалар билан бир қаторда халқаро коммуникацияни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берила бошлади. Фарғона водийсини Қамчиқ довони орқали пойтахт билан боғловчи А 373-Тошкент-Ўш йўлининг бутунлай янгидан қурилаётгани бунинг ёрқин мисолидир.**

Бугун Қамчиқ мамлакатимиз йўлсозларининг зарбдор участкасига айланган.

Автойўл хизматига қарашли махсус автобус довон сари яқинлашиб бораркан, ҳайдовчи қоронғуда йўл бўйида ишлаётган улкан техникаларга ишора қилиб, шундай деди:

— Бу ерда фарғоналик йўлсозлар ишлашади. Яна пича юрсак, наманганликларга дуч келамиз. Кўз қўрқоқ, қўл ботир, деганлари рост экан. Уч йил олдинги йўлнинг аҳволини эсласам, гапимнинг тўғрилигига янада ишонч ҳосил қиламан. Бу йўлни битганда кўринг, ҳали. Одамларга Тошкентга бориб-келиш «чўт» бўлмай қолади, ўшанда.

Абдумалик ака ҳақ гапни айтди. Довонда кейинги 2-3 йил ичида мисли кўрилмаган даражада бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Бугун жадаллик билан барпо этилаётган автомобиль йўлининг эни 24 метр бўлади. Бундан ташқари йўлнинг тоғ томонидан 8 метр энлиликда муҳофаза зонаси қолдирилади. Бу эса довон йўлининг эски ҳолатига нисбатан 5-6 баробар кенг демакдир.

Андижон вилояти йўлсозлари айни кунларда йўлнинг Тошкент вилояти ҳудудида 7 км. масофада ишлашаяпти. Андижон йўл таъмирлаш ва фойдаланиш трестига қарашли бурғулаш ва портлатиш махсус бошқармаси ишчилари ҳам шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

ДАН ходимлари томонидан маълум муддатга йўлда транспорт қатнови тўхтатиб турилади. Трестнинг 1-қурилиш участкаси экскаваторчи ва бульдозерчилари қудратли техникаларни моҳирлик билан бошқаришиб, зудлик билан тоғ парчалари-харсанг тошларни йўл четига суриб ташлайдилар. Маннопжон Кимсанов, Ҳалимжон Тошпўлатов сингари экскаваторчилар, Авазбек Сотволдиев, Сойибжон Райимжонов сингари бульдозерчилар бу ишда маҳоратларини кўрсатиб ишламоқдалар.

Бу ерда 2 та тоғ тоннели қурилмоқда. Улардан бирининг узунлиги 300 метр, иккинчиси 900 метр. Биринчисида тупроқ ишлари тугатилиб, тоннел ичи темир-бетон қопламалари билан жиҳозланмоқда.

Тоннел ичига тунги соат 10 лар чамасида ташриф буюрдик ва ўткир ёритгичлар ёрдамида ишлаётган қурувчилар ишига, уларнинг ғайрат шижоатига таҳсинлар айтдик. Бу ерда мамлакатимиз автойўлчилари билан бир қаторда «Қозоқмахсусқурилиш» ҳамда «Қирғизмахсусқурилиш» бунёдкорлари ҳам кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилишмоқда.

Шу атрофдаги бетон ишлаб чиқариш корхонасида тоннел қурилиши учун кунига 180-200 кубометр бетон қоришмаси тайёрланади.

Трестга қарашли автокорхона ҳайдовчиларига корхона учун шунга яраша қум, шағал, арматура, шевелир ташиб келтириш вазифаси юклатилган.

— Тоғ шароитида юк машиналарини бошқаришнинг ўзига хос машаққатлари бор, — дейди автокорхона механиги Иброҳимжон Исмоилов. — Ана шундай қийин бир шароитда ҳайдовчиларимиз сидқидилдан ишлашаяпти. Уларнинг ҳар бири кунига 75 км. масофадан 20 тонна юк ташийдилар. Ёки 14 та МАЗ-5551 русумли автомашина ҳайдовчлари ойига 9-10 миллион сўмлик иш бажарадилар. Ҳайдовчилардан Раҳматилло Сатимов, Абдукарим Ниёзов, Юсуфжон Ҳасанов, Мадаминжон Сотқулов, Абдумухтор Сулаймоновлар ойлик режаларини 130-150 фоизга бажаришиб, корхоналари шуҳратига шуҳрат қўшмоқдалар.

Бу ерда ишчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун ҳамма шароит бор. Ишловчилар кунига 4 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар. Нонвойлар эрта тонгдан ҳаракат бошлаб, нонуштага тандирдан иссиқ нон узадилар. Зарарли участкаларда ишловчиларга ҳар куни 0,5 литрдан сут маҳсулотлари бериб борилади.

Ишчи-хизматчилар яшаётган вагон-уйлар тўлиқ электрлаштирилган. Рангли телевизорлар, радиоприёмниклар, музлатгичлар билан таъминланган. Душ ва сауналар қурилган. Умуман, ётоқхоналардаги орасталик кишини қувонтиради.

Ишчиларнинг ўртача иш ҳақлари 20-25 минг сўмни ташкил этади. Бурғулаш ва портлатиш ишлари билан шуғулланувчилар бундан икки ҳисса кўп маош оладилар. Касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ҳар бир ишловчининг оиласига бир қопдан ун, 5 кг. дан гуруч, 5 кг.дан пахта ёғи арзон баҳоларда етказиб берилади. Корхона маъмурияти билан касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасига асосан, биринчи марта уйланаётган ёки турмушга чиқаётган ходимларга 10 кунгача маоши сақланган ҳолда таътил берилиб, энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида ёрдам пули берилади. Шунингдек, ишловчиларнинг яқин кишиларидан бири вафот этган тақдирда ҳам шунча миқдорда моддий ёрдам уюштирилади.

Қамчиқда ишловчиларга махсус кийим-бошлар бепул ва муддатидан илгари бериб борилади.

Қўшни Тожикистондаги нохуш воқеалар туфайли «Андижон-Тошкент» темир йўлида поездлар қатновининг ёмонлашуви довон йўлининг биз учун нақадар зарур эканлигини кўрсатиб қўйди. Ушбу йўлнинг энг аҳамиятли томони шундаки, у яқин келажакда «Тошкент-Ўш-Қашқар» халқаро йўлининг асосини ташкил этади. Буни чуқур ҳис қилаётган андижонлик йўлсозлар ҳатто Наврўз байрамини ҳам иш жойлари - Қамчиқда кутиб олдилар. Довоннинг 137 километрида байрам дастурхони учун сумалак пиширилди. Наврўз куни тонг саҳарда ёққан корни Янги йил поёндози, оқлик, тўкин-сочинликнинг рамзи деб қабул қилдилар. Карнай-сурнай садолари нафақат йўлсозларни, балки шу ерлик аҳолини ҳам байрам тантаналарига чорлади. Жонлиқ сўйилди. Дошқозонлар осилди. Тошкент-Ўш йўли қурилишининг республика штаби ёнидаги ошхона байромона безатилди. Дастурхонга турли ноз-неъматлар, Наврўз пишириқлари тортилди. Шаҳрихон ва наманганлик хушовоз хонандалар шу куни дилрабо куй ва қўшиқлари билан қурувчилар кўнглини шод этишди. Шахмат, шашка, тортишмачоқ сингари турли спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Тантанада иштирок этган «Андижонавтойўл» бирлашмаси раиси Абдупаттоҳ Жўраев йиғилганларни маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси номидан қизғин табриклаб, уларнинг ҳар бирига қимматбаҳо совғалар топширди.

Йўлсозлик энг савобли ишлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, ҳаётлигида йўл, кўприк қурган инсонларнинг икки дунёси обод бўлармиш. Илоё шундай бўлсин!

**Шукрулло НЕЪМАТОВ.**

*Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак*



# ҲАШАР

## шарофати билан мактаб қурилмоқда

«Наврўз» жамоа ширкат хўжалиги Қамаши туман марказидан унча узоқ эмас. Бу ерда 4800 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бешта қишлоқда иккита мактаб бўлиб, уларда 1263 нафар ўқувчи таълим олади. Нима бўлдию, хўжаликнинг III-Учтепа қишлоғида бундан етти йил илгари қурилиши бошланган мактаб биноси тақа-тақ тўхтаб қолди. Қишлоқ болалари қишда лой, ёзда тупроқ кечиб, 2-3 чақирим наридаги Чўлпон номли мактабга қатнай бошлашди. Қишлоқ одамларининг мурожаат қилмаган жойлари қолмади. Қаерга боришмасин, жавоб битта - маблағ йўқ. Шундай кунларнинг бирида мактаб ўқитувчиси Норбой Жуманов ташаббусни ўз қўлига олди. Қишлоқдошларига маслаҳат солди. Ҳамма бир овоздан мактаб учун ҳеч нарсани аямасликларини айтди...

Яқинда туман мактабларидаги аҳвол газетамизда танқид остига олинган, жумладан мақолада ушбу мактаб қурилиши чала ташлаб кетилгани ҳам тилга олинган эди...

Хушхабарни эшитиб, очиғи, қувониб кетдим. «Демак, таъсир қилибди» деб ўйладим ўзимча. Қамашига келиб, биринчи учратганим яна ўша инсон - кекса муаллим Норбой ака Жуманов бўлди. Не кўз билан кўрайки, юздан ортиқ одам мактаб қурилишида фаол иштирок этмоқда эди. Айниқса, қишлоқ оқсоқоли Иброҳим ота Норқуловнинг севинчи ичига сиғмайди.

— Мана мактаб биноси девори ҳам тикланди, — деди у.— Энди, худо хоҳласа, устини ёпиб олсак, Мустақиллигимизнинг саккизинчи йилида фарзандларимиз ўқишни янги мактабда бошлашади.

Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришта «омин» дейди. Ташаббус бошқаларнинг ҳам юрагини қитиқлаб қўйди. Иш бошланибдики, тумандаги ғишт ишлаб чиқариш очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Юсуф Абдусаломов кунда шу ерда. Мактаб қурилиши муносабати билан бир ойда 350-400 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхонада суръат янада ортди. Харажатларни қишлоқ одамлари ўртада тўплашди. Кимдир пул берди, кимдир мол, яна биров бино томи учун йиғиб қўйган плитасини аямади.

— Туманда 84 та мактаб бўлиб, уларда 42 мингдан зиёд ўғил-қизлар таълим олишади, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Соибназар Абдуқодиров. - Ҳамма мактабларимиз ҳам замонавий эмас. Газетанинг танқидий чиқишидан сўнг, ишимизда кескин ўзгариш бўлди. Эски мактабларимизни яна бир ўрганиб чиқдик. Чўлпон номли мактаб учун янги бино қурилишини ўз зиммасига олган Норбой Жумановдан миннатдормиз. Кекса, тажрибали ўқитувчи ўз қишлоқдошларини эзгу ишга бошлади. Ўзи биринчи бўлиб маблағ бериб, фарзандларимиз учун хайрли иш қилди. Туман ҳокимлиги ҳам ёрдамини аямаяпти. Бундан ташқари мактаблар оталиқ ташкилотларига бириктириб қўйилди. Илм масканларининг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир мактаб ҳисобига 1,5-2 гектардан ер ажратилди. Етиштирилган маҳсулотни мактаб жамоаси ўз эҳтиёжига ишлатади.

— Янги мактабни боғ-бўстонга айлантирамиз, — дейди Норбой ака. — Берсанг, еймам деб ўтирган билан иш битмайди. Юзага келган аҳволни кўриб ўқитувчиларимиз ойлик маошларидан ярмини мактаб қурилиши учун сарфлашга аҳд қилишди. Ахир мамлакатимиз Президенти муҳтарам Ислом Каримов ёшларимиз тарбияси, таълим олишлари учун озмунча ҳаракат қилаяптиларми?! Қурганларимиз келажак болаларимизга қолади-ку, ахир! Фақат юртимизда осойишталик бўлсин, қолгани ўзимизга боғлиқ.

Норбой ака ҳақ гапни айтди. Бугун умид билан экилган ниҳол келажакда албатта мева беради. Хўжалик раҳбари вазифасини бажарувчи Хуррам Мейлиқулов ҳам янги мактаб қурилиши учун қўлдан келган кўмагини аямаяпти. Яқинда мактаб боғи учун жой ажратилиб, яхши ният билан кўчат ўтқазилди. Биринчи кўчатни қишлоқ кексаларидан Иброҳим бобо Норқулов экдилар. Мактаб қурилиши шарофати ила қишлоқни газлаштириш, ичимлик суви олиб келиш дастурлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Нияти пок одамларимизнинг қўли билан яратилаётган мактаб биноси кун сайин бўй кўрсатмоқда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Суратда: Қишлоқ оқсоқоли Иброҳим бобо Норқулов мактаб қурилиши ташаббускори, кекса ўқитувчи Норбой Жуманов билан.**

**Муаллиф олган сурат.**

*Биздан сўрабсиз*

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМҚУЛОВ жавоб беради

**САВОЛ: Мен 1949 йилда туғилганман. 1972 йилдан бугунги кунгача Чироқчи туман қишлоқ хўжалик техникаларини таъмирлаш саройида пайвандчи бўлиб ишлаб келмоқдаман. Шунга асосан имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

**Т.Олтинбоев, Чироқчи туман ҚХМ таъмирлаш цехи пайвандчиси.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи касблар, ишлар, лавозимлар, ишлаб чиқаришлар, муассасалар ҳақидаги 3-рўйхатнинг 34-бўлимида газ пайвандчилари умумий белгиланган ёшдан беш йил аввал пенсияга чиқиши мумкинлиги кўрсатилган. Бунинг учун эркаклар 25 йиллик умумий, шундан 12 ярим йили бевосита қайд этилган ишда, аёллар эса умумий 20 йил, шундан 10 йили қайд этилган ишда ишлаганлиги ҳақида меҳнат стажига эга бўлишлари керак. Сиз 1949 йилда туғилган бўлсангиз, бугунги кунда 50 ёшдасиз. Шунинг учун 55 ёшга тўлганга қадар пенсияга чиқишга ҳақли эмассиз. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, агар сиз меҳнат қилаётган корхона етарли маблағга эга бўлса ва шунга рози бўлса, корхона ҳисобидан тўланадиган ички пенсия тайинланиб, нафақага чиқишингиз мумкин. Лекин Сиз буни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмассиз!

**САВОЛ: Мен 1990 йилдан буён Н.Холматов номли 38-мактабда кутубхона мудири бўлиб ишлаб келмоқдаман. Ҳозирги кунгача 950 сўм иш ҳақи оламан. Шу маошни ҳам вақтида ололмасдан орадан 2-3 ой ўтгач, иш ҳақи ўрнига озиқ-овқат маҳсулотлари берилиб келинади. Ўқитувчи, мактаб кутубхоналарига шу тариқа иш ҳақи берилиши тўғрими?**

**С.Зоирова, Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан 1999 йил 1 январдан бошлаб республикада иш ҳақининг энг кам миқдори 1320 сўм қилиб белгиланган. Шунга мувофиқ агар Сиз тўлиқ ставкада ишлаётган бўлсангиз, 950 сўм иш ҳақи тўланиши нотўғри. Иш ҳақининг натура шаклида - ёғ, гуруч, шакар ва ҳоказолар билан алмаштириб бериш масаласи корхоналардаги мавжуд жамоа шартномасида кўрсатилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин. Акс ҳолда бу ҳаракат ноқонуний ҳисобланади. Сизга аввал кам тўланган иш ҳақингиз, қайта ҳисоблаб чиқилиб, тўланмай қолган қисмини беришлари керак.

**САВОЛ: 1. Мен ҳозир 55 ёшдаман, касбим ўқитувчи, III гуруҳ ногирониман. Имтиёзли пенсияга чиқишда III гуруҳ ногиронларига тўланадиган нафақа пулимнинг эллик фоизини мактабда ишлаганим учун ушлаб қолишди. Шу тўғрими?**

**2. Имтиёзли пенсияга чиқишда II ва III гуруҳ ногиронлиги учун тўланадиган нафақа пули ҳам қўшиб ҳисобланадими?**

**В.Эшмуродов.**

**ЖАВОБ**: Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсияси таъминоти» ҳақидаги қонунининг 65-моддаси «Б» бандида кўрсатилишича, агар пенсия олувчи томонидан суистеъмолчиликка йўл қўйилган бўлса (олдиндан маълум бўлган нотўғри маълумотли ҳужжатларни топшириш, оила аъзоларининг ўзгариши тўғрисида маълумот бермаслик) ёки ҳисоблаш ёхуд бошқа техник хато оқибатида ортиқча тўланган пенсия пуллари туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг қарорига асосан ушлаб қолиниши мумкин. Сиз ногиронлик пенсиясини ола туриб, ишга кирганингиз ҳақида маълумот бермагансиз. Айтиш керакки, пенсиядан ушлаб қолинадиган миқдор ҳар ойда умумий пенсиянинг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

2. Юқорида қайд этилган қонуннинг 32-моддасида пенсия тайинлашда ҳисобга олинадиган иш ҳақи турлари кўрсатилган. Унга мувофиқ пенсия тайинлашда амалдаги қонунга биноан суғурта бадали олинадиган барча иш ҳақлари инобатга олинади. Амалдаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимида назарда тутилгандан ташқари, бир марта бериладиган тўловлар бундан мустасно. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, II-III гуруҳ ногиронлик нафақа пулларингиздан суғурта бадали олинмайди. Шу сабабли у пенсия тайинлаш учун иш ҳақи ҳисобига киритилмайди.



Халқ ҳунармандчилиги санъати борасида Самарқанд усталарининг яратаётган асарлари бутун дунёга машҳур. Дунёнинг қайси бурчагидан келмасин, сайёҳлар албатта юксак маҳорат билан ишланган ушбу асарлардан эсдалик сифатида ўз уйларига олиб кетадилар. Самарқанд усталари асарларининг халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланиши ҳам бежиз эмас. Заргарлик, юмшоқ ўйинчоқлар, кулолчилик ва ёғоч буюмлардан яратилган асарлар айниқса, ўзининг ўймакорлиги, шакли билан бебаҳодир. Албатта, буларнинг ҳар бирида қадимги бой анъаналаримиз ўз аксини топгандир. Асрлар оша давом этиб келаётган ушбу санъат турини янада ривожлантириш ва бойитиш мақсадида вилоятда янги «Ҳунарманд» уюшмаси ташкил этилди. Бу ерда 580 га яқин машҳур ва ёш усталар, маҳоратли рассомлар ўз асарларини яратадилар.

**Суратда: уста Ҳайдар БОТИРОВ.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

# OLAMDA NIMA GAP

**АБУ-ДАБИ. Яман республикаси Фаластин миллий маъмуриятининг мустақил Фаластин давлати эълон қилиш тўғрисидаги қарорларини қўллаб-қувватлайди. Мамлакат президенти Али Абдулла Солиҳ шуни маълум қилди.**

**У Фаластин миллий маъмурияти раҳбари Ёсир Арафот билан учрашувда мустақил Фаластин давлатини тузишда уни қўллаб-қувватлашини айтган. Шунингдек, учрашувда Яқин Шаркдаги вазият ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.**

* * *

**БИШКЕК**. *Қирғизистон президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Ташриф давомида у Ҳиндистон президенти Кочерил Раман Нараянан, Бош вазир Атал Бихари Важпаи ҳамда бошқа расмий кишилар билан музокаралар ўтказади. Музокараларда Ўрта Осиё минтақаси ва умуман Осиёдаги вазият ҳамда икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари масалалари муҳокама қилинади.*

* * *

**ТОКИО. Токионинг янги губернатори Синтаро Исихара шаҳардаги АҚШ ҳарбий хаво кучлари базаси жойлашган ҳудудни Япония назоратига ўтказиш борасида музокаралар ўтказмоқчи. Унинг таъкидлашича, Иокота базаси халқаро аэропортга айлантирилса, бу пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар учун айни муддао бўлади. Чунки Нарита аэропорти шаҳардан анча узоқ бўлиб, унга автомобилда бориш учун бир ярим соат вақт кетади.**

**С.Исихара журналистларга берган интервьюсида Иокота базаси ҳудудини бутунлай пойтахт маъмурияти назоратига ўтказиш ёки ундан АҚШ билан биргаликда фойдаланишга эришиш учун ҳаракат қилишини айтган.**

* * *

**Д Е Ҳ Л И. РАТА**-*ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари «Тришул-99» деб номланган кенг миқёсли ҳарбий машқларини ўтказди. Унда 300дан зиёд жанговар самолёт ва вертолёт иштирок этди. Ҳарбий машқлар мамлакат ғарбида душман ҳужумидан ҳимояланишни таъминлашга қаратилган.*

* * *

**Д А К К А. Ўтган ҳафта охирларида Бангладешнинг жанубий ҳудудларида кучли тўфон юз бериши натижасида 12 киши ҳалок бўлган, 100дан зиёд киши жароҳатланган, 54 киши эса бедарак йўқолган.**

**Хабарларга қараганда, Бангладешдаги Бхол, Борисал ва Патуакхил туманларида шамолнинг тезлиги соатига 100 километрга етган. Натижада туманлардаги кўплаб уй, электр узатиш линиялари ва автомобил йўллари ишдан чиққан. Шунингдек, мамлакат пойтахти - 9 миллион нуфусга эга Дакка шаҳри ҳам табиий офатдан зиён кўрди. Бу ерда ҳам сув таъминоти тизими ишдан чиққан.**

* * *

**Х А Н О Й. РАТА-ТАСС** *ахборот агентлиги тарқатган хабарда маълум қилинишича, шу йилнинг 14-21 апрел кунлари Малайзияда Австралия, Янги Зеландия, Сингапур ва Буюк Британия ҳарбий-ҳаво кучлари вакиллари ҳамкорликда ҳарбий машқлар ўтказади. Унда беш мамлакат ҳарбий-ҳаво кучлари ўзаро ҳамкорликда Малайзия ва Сингапур ҳимояга муҳтож бўлиб қолганда ушбу мамлакатларга ёрдам беришга қаратилган машғулотлар машқ қилинади.*

*Оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга қараганда, машғулотнинг номи «Адекс 99-2» деб номланган бўлиб, у ўтган йили август ойида бўлиб ўтиши керак эди. Бироқ айрим молиявий етишмовчиликлар боис у ортга сурилганди.*

**(ЎзА)**

**«Спорт моллари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти акционерлари диққатига!**

Акционерларнинг 1998 йил якунларига бағишланган умумий йиғилиши 12 май 1999 йил соат 14. 00 да ОТАЖ «Спорт моллари» биносида ўтказилади.

**Мурожаат учун манзилгоҳ; 700091, Тошкент шаҳри, Шоҳсанам кўчаси, 85.**

**Телефонлар: 98-35-92, 98-37-86.**

## УНИНГ МАВЗУСИ - АДОЛАТ

**Журналист бир умр бировларнинг дардини эшитади, қувончига шерик бўлади. Аммо навбат ўзига келганда хижолатдан йиллар ўз нақшини солган пешонасида реза-реза терлар пайдо бўлади. Азбаройи камтарлигу камсуқумлигидан ўзининг туғилган кунини ошкор этишга ҳам иймanади. Қарийб ўттиз бир йилдан буён турли нашрларда, кейинги вақтда эса «Туркистон» газетасида меҳнат қилиб келаётган истеъдодли журналист Жовли Хушбоқов фаолияти ҳақида ҳам шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.**

**Камтар, меҳрибон инсон сифатида ҳамкасблари меҳрини қозонган, ўзининг 50 ёшини нишонлаётган истеъдодли журналистнинг қуйидаги мақоласини ҳавола этамиз.**

# ЎЛЖАГА ҚОЛГАН ҲАЁТ

... Феруза Қодиржонова дастлаб қўрқиб кетди. Нимжонгина вужудида оний қалтироқ сезгандек бўлди. Сал вақтдан кейингина ҳаяжони босилгандек бўлди.

Беморнинг тақдири қил устида эди. Эксанция дардига йўлиққан бу аёлнинг ҳаётини сақлаб қолиш имкони бўлармикин? Жувонга буйрак оғриғи азоб берган. Бунинг устига ҳомиладор. Она қорнидаги чақалоқ эса етти ойлик. Уни жарроҳлик йўли билан олиш зарур!

Хаёлига бирдан келган ўйдан Ферузанинг кўзлари чақнаб кетди «Ўзингни қўлга ол, ахир сен врачсан-ку!»

Ёш ҳаким Ф.Қодиржонова нозик юмушни устозлари кўмагида бир соатдан ошиқ вақт ичида уддалади. Аввало, бу операция кутилгандан яхши чиққани учун устозлари - Замира, Ортиқхол ҳамда Ойнахолдан ниҳоятда миннатдор. Чунки бу тажрибали ҳакимлар, ундан, нафақат ундан, бошқа ҳамкасблардан ҳам маслаҳатларини дариғ тутмайдилар. «Феруза, эл хизматида бўл, шунинг ўзи катта бахт!» Қизириқ тумани марказий шифохонаси туғруқхона бўлимининг ҳакимлари З.Турсоатова билан Д.Содиқова иккаласи доимо шу сўзларни такрорлашни хуш кўрардилар.

Т.Ҳайдаров, Ж.Эшимов, Э.Раимов, М.Чориев, Б.Турсунов, З.Қурбонмуродов сингари ишчан ҳамкасблари бу ақидадан бир зум чекинмайдилар. Энг муҳими, жамоада асосан ёшлар ишлашини айтмайсизми?

Улар марказий шифохона йиғилишларида бир талай муаммолар ҳақида куйиниб сўз юритишади. Тиббиёт ходимлари мажлисларида худди меҳмон каби сохта уятчанлик билан сукут сақлашни инсонга ёт хусусият, деб ҳисоблайдилар.

- Тўғрисини айтсам, ишдан кўра гап кўп бўлаётир, - деди Замира опа бир неча йил аввалги йиғилишларнинг бирида. - Раҳбарлар виждони аямасдан беришади. Даволаш муассасаларини ташкилотчи, билимдон, ишчан кадрлар назорат қилиши лозим. Шифохоналар раҳбарларининг хизмат вазифасини қандай адо этаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларни вақти-вақти билан эшитиб бориш зарур !

Тажрибали ҳаким фақат танқид қилиш билан кифояланмайди, амалий таклифлар айтади, муаммоларни ҳал этиш йўллари хусусида мулоҳазаларини билдиради.

Ҳамон ёдида. Бир куни ишдан одатдагидек ҳориб - чарчаб кабинетига кирар экан, уйқу элита бошлаганини аниқ ҳис этди. Оёқлари унга бўйсунмас, мажолсизланиб бораётган эди. Чарчабди, яна икки - уч соатдан кейин тонг отади. Аммо, эрталабгача бир дунё иш уларга қараб турибди.

Ўшанда Охунбобоев номли хўжаликдан нимжонгина аёлни олиб келишган эди. Замира билан Дилшод кўп ўтмасданоқ ташхис қўйишга киришди. Аёлнинг мажолсиз қўллари докадек оқариб кетган, қон босими меъёридан анча тушиб қолган. Юраги тез - тез уради. У зўрға нафас олар, қарийб ҳушсиз эди.

Икки касбдош - Дилшод билан Замира махсус асбоб орқали ой куни яқинлашган она қорнидаги чақалоқнинг юрак уришини текшириб кўришаркан хаёлга чўмиб қолишди.

«Аттанг, тирик эмас!» Уларнинг кўнглидан яшин тезлигида шу фикр ўтди. Кўп қон кетганлиги натижасида бачадон қонга тўлган, чақалоқ димиқиб ҳалок бўлган. Аёл шифохонага барвақт келганида гўдакнинг ҳаёти сақлаб қолинар эди.

Аҳвол кўнгилни хижил қиладиган даражада ёмон. Бемор тобора дармонсизланиб, лоҳас бўлиб борар эди. Онани сақлаб қолишнинг иложи бормикин?

Ҳакимлар сергак тортишди. Шошилинч чоралар кўришди. Беморнинг бир қўлига глюкоза, иккинчисига полиглюкон дорисидан укол қилина бошланди. Бу дорилар бўшай бошлаган вена томирида қон кўпайиб, организмда ҳаёт давом этишида ишончни кучайтирди. Ҳаким беморнинг юзида бироз қизиллик югура бошлагани, нафас олиш сал-пал енгиллашаётганини кўриб хурсанд бўлганидан аввалгидан кўра тезроқ, шижоат билан ҳаракат қилар эди.

Буёғи нима бўлар экан? Беморга кислород берила бошланди. Тонг ёришаётган пайти яна бир меҳрибон акушер-гинеколог М.Юсупова беморга малҳам бўлсин, деб ўз қонидан берди. Энди онанинг дарди анча енгиллашди. Шундан сўнг ҳакимлар янада масъулиятли ишни бажариши - она қорнидаги ўлик чақалоқни (операциясиз) олиши лозим эди. Улар дадиллик ва қатъият билан ҳаракат қила бошладилар. Ниҳоят кўп уринишлардан сўнг у оғир дарддан фориғ бўлди.

Вақт тушга яқинлашиб қолган бўлса-да, Замира билан Дилшод тун бўйи мижжа қоқмагани камлик қилганидек, бугун ҳам бироз дам олмаганликларини эслашди. Бир пасдан сўнг эса ёшига мос келмаган ўзгача шашт билан ташқарига чиқди. У эшик олдида қучоғини кенг очиб келаётган аёлни кўриб, таққа тўхтаб қолди. «Ўзи танишга ўхшайди, ким экан у?»

Дилшод ва Замира аёлни эслашди. Уни бир неча ой олдин операция қилишган эди! Уларнинг кўзлари севинчдан порлади. Учқур хаёл уларга худди кечагидек беором ўтган таҳликали, серташвиш онларни эсга солди.

Ёшгина жувон шамоллаб, касал бўлганлиги оқибатида ҳали туғилмаган чақалоқнинг йўлдоши вақтидан олдин ажралиб кетган, бундаям кўпни кўрган шифокорлар - Миннигул опа, Ортиқхол ва Мавжуда каби ҳакимларнинг тажрибаси иш берди. Ташҳисни тўғри қўя олишганлиги, беморнинг юзига, ҳолатига қараб туриб нима дардга чалинганлигини аниқ билганликлари ишнинг енгил кўчишини таъмин этди.

... Ҳозир ҳакимларнинг зиммасида иккита масъулиятли вазифа турар эди. Булар - ҳам ҳаёти қил устида турган онани, ҳам чақалоқни тирик сақлаб қолишдек нозик иш эди. Ҳакимлар беморнинг қариндошларини ҳузурига чақиртиришиб шундай дедилар:

— Тўғрисини айтсак, бу аёл соғайиб кетиши учун операция қилиш керак. Сизлар бунга нима дейсизлар?

Қариндошлар розилик беравермагач, Дилшод Содиқова аёлнинг турмуш ўртоғига шундай дейди:

— Сиз аёлингизни ниҳоятда яхши кўрар экансиз. Бу юзингиздаги ташвиш ифодасидан сезилиб турибди. Сизни тушунаман. Ахир, она - оила қўрғонининг бекаси, ташвишланмай бўладими? Афсус, операция қилишдан ўзга чора қолмаган. Энди худо қувват берсин!

Операцияни ниҳоятда пухта, аниқ бажариш зарур эди. Бу юмушни фақат тажрибали ҳакимларгина уддалай олишарди.

Чақалоқ операция натижасида олинди. Уни тортиб кўришди, уч килограмму етти юз грамм чиқди. Ҳамкасблари худди дарддан фориғ бўлган каби шодон эди. Улар энди дам олиш учун уйларига қайтишаяпти. Шифохонадаги юмушларнинг барчасидан кўнгли тўқ.

— Бошқа ҳамкасбларимдан ҳам мамнунман - дейди соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини Ўрол Нурматов қувонч билан. - Н.Абдуллаев, Қ.Мадартов, Р.Қорақулов, Н.Саидов, М.Ҳайдарова, Р.Муҳаммадиев, Ш.Давлатов, Ю.Рўзиева каби тажрибали, меҳрибон шифокорлар элга астойдил хизмат қилишаётир. Шу сабабли ҳам улар халқнинг ҳурмат-эътиборини қозонишган.

Улар шунинг учун ҳам хурсанд эдики, улуғ инсон - онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун тун бўйи ўлим билан олишиб, ғолиб чиқишди. Ўлим шарпаси чекиниб, не-не умидлар, бир дунё ниятлар билан яшаётган онанинг - кимнингдир севган ёри, яна кимнингдир азиз онажонининг ҳаёти сақлаб қолинди.

**Жовли ХУШБОҚОВ.**



Бахт оғушида

«ISHONCH» танловига

# ИСТАК БЎЛСА, ИМКОНИЯТ ТОПИЛАДИ

## Спорт йўриқчиси нимага қодир?

Йил якунлари таҳлил қилинганда, Самарқанд вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитасида Ургут туман «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятининг 1998 йилда амалга оширган ишлари намунали эканлиги таъкидланди. Туман спортчилари ўтган йили вилоят миқёсида ўтказилган тармоқ мусобақаларида фаол қатнашишди. Хусусан, «Оила йили»га бағишлаб Каттақўрғон туманида ўтган спартакиадада ургутлик қишлоқ спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. Умуман, Ургут туманида қишлоқ спортининг оммавийлашувига эришилмоқда. Бу борадаги ишлар аҳволи билан бевосита танишиш учун Ургут туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида бўлдик.

Ҳозирги кунда мазкур хўжаликда битта стадион, иккита футбол майдони, иккита валейбол майдончаси, кураш зали мавжуд. Жамоа спортчилари туман мусобақаларида қатор йиллардан бери ғолибликни қўлдан бермай келишаяпти.

-Хўжалигимизда спортга раҳбарларнинг эътибори ҳам, ёшларнинг қизиқиши ҳам катта. Шу боис барча спорт иншоотлари ҳамиша гавжум бўлади. 9 тур бўйича тўгараклар ташкил этилган бўлиб , уларда 245 нафар ёшлар мунтазам шуғуллланади,- дейди хўжалик спорт йўриқчиси, Ўзбекистон спорт устаси Умрбоқий Дўстов.- Айниқса кураш, тош кўтариш, мини футбол, волейбол, шахмат каби турларнинг ихлосмандлари кўп. Ҳозирги вақтда хўжалигимиз спортчиларининг 4 нафари спорт устаси, йигирмага яқини спорт усталигига номзод. Спортнинг қишлоқда оммавийлигини таъминлаш учун барча қишлоқларда кичик спорт майдончалари, маҳаллалардаги маданият-маърифат марказларида шахмат-шашка каби турлар бўйича тўгараклар ташкил этилган. Шунингдек, хўжалик ҳудудидаги мактабларнинг спорт майдонлари ва қишки спорт заллари имкониятидан ҳам кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

Аксарият ҳолларда қишлоқ кишилари, айниқса, раҳбарлар турли тадбирларга вақт етишмаслигидан нолишади. Лекин Ургут туманидаги Навоий номли ширкат хўжалигида бутунлай бошқача йўл тутилган. Хўжалик бошқаруви раиси, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Абдузоҳир Зиёев буни қуйидагича изоҳлади.

- Хўжалигимизнинг ишлаб чиқариш кўлами кенг, иқтисодиёти ҳам анча барқарор. Белгиланган режалар ҳар йили ошириб уддаланмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида кейинги йилларда хўжаликда сут ва нон заводи, томат цехи, оҳак цехи, пойабзал корхонаси қурилиб ишга туширилди. Янги тармоқлар катта иқтисодий самара бермоқда. Буларнинг ҳаммаси хўжалигимиз аъзоларининг меҳнати натижасидир. Шундай бўлгач, меҳнаткашлар соғлиғи, дам олиши, қизиқишлари бўйича шуғулланишига имкон яратмаслик мумкин эмас. Бундан ташқари тетик одамнинг маънавияти ҳам соғлом бўлади. Умуман, спорт билан шуғулланишнинг хосияти кўп. Айниқса, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли, мақсадли тадбирлар билан тўлдириш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Балки қишлоқларимиздаги ёшлар орасидан келажакда жаҳонга машҳур спортчилар етишиб чиқар. Шу умидда уларни қўллаб - қувватлаяпмиз. Шунинг учун ҳам хўжаликда спорт йўриқчиси лавозимини доимий сақлаб келаяпмиз. Ўтган йили замонавий лойиха асосида катта стадион қурилишини бошладик. Асосий ишлар бажарилди. Яқин вақтларда уни ишга тушириш ниятидамиз. Хуллас, ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бирга соғлом турмуш тарзини шакллантириб, одамлар маънавиятини юксалтириб бораверамиз. Шу ниятда йил давомида ўтказиладиган хўжалик ички спорт тадбирларининг жадвалини касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда тузиб,тасдиқлаганмиз. Далада иш қизғин вақтда ҳам ҳар ҳолда имкон топса бўлади. Ахир, фақат иш билан бандлик киши руҳини чарчатади, толиқтиради. Бундай вақтда режа асосида уюштириладиган маданият, спорт тадбирлари ниҳоятда катта ижобий самара беради. Бунга ўз тажрибаларимизда амин бўлганмиз.

**Р. ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Бу ажиб дунё*

### ҚИСМАТ

Америкалик киноижодкорлар охирги замон ҳақида жиддий қайғуришаётганга ўхшашади. «Армагеддон» деб аталган янги фильмда улкан метеорит ерликларга катта таҳдид солаётгани ҳақида ҳикоя қилинади. Инсоният қисмати билан боғлиқ воқеалар ҳамиша томошабинни ҳаяжонга солиб келган. Шунинг учун ҳам фильм бутун дунё бўйлаб катта муваффақиятга эга бўлди. Инсониятнинг халоскори ролини эса Брюс Уиллис ижро этган. Машҳур актёр ва унинг жамоаси ерга хавф солиб турган метеоритни бартараф этишга муваффақ бўлишади.

Фильмда ишлатилган махсус анжомлар, кийим-кечаклар унинг даромад келтирувчи фильмлар йигирмалигидан ўрин олишига имкон яратиб берди.

### АСЛЗОДАЛАР ИСЁН КЎТАРИШДИ

Маълумки, ўтган йилнинг ёзида Куре шаҳридаги «Роллс-Ройс», «Бентли» маркали автомобилларни ишлаб чиқарадиган завод Германиянинг «Фольксфаген» автоконцернига сотилган эди. Шундан сўнг Буюк Британияда бу турдаги қимматбаҳо автомобилларнинг сотилиши кескин камайиб кетганлиги қайд этилди. Туманли Альбионанинг аслзодалари қачонлардир ўзлари учун қадрдон бўлган маркалардан юз ўгирдилар. Сабаб «Фольксфаген»нинг «халқчил» шиори аслзодаларнинг обрўсига путур етказиши мумкин эмиш. Президентлар ва миллионерлар учун мўлжалланган машиналарни «халқчил автомобил» шиорига эга компания чиқармаслиги керак эмиш.

### ОЛТИН ВАСВАСАСИ

Бойлик орзусидаги юракларга аввал ҳам, ҳозир ҳам жуда кам ҳоллардагина омад кулиб боққан. Бу олтин эҳтироси ҳозирги кунларда ҳам авж паллада давом этмоқда. Баъзилар денгиз қароқчиларининг «Сирли хазиналарини» қидиришда давом этаётган бўлса, яна баъзилар эски харобa қўрғонларни кавлаш билан банд, кимлардир эса Миср эҳромларига ҳужум қилишдан ҳам қайтмайди. Олтин васвасаси орқали пайдо бўлган бундай саёҳатлар кўпинча умидсизлик билан тугаса, баъзан олтин қидирувчилар ўртасидаги қонли тўқнашувлар билан тугаши мумкин. Бойликнинг кучини қаранг-ки, ҳали у ер остида туриб, ер устидаги одамларни бир-бирига қайрашга ҳам етади.

**А.БОБОЕВ тайёрлади.**

*Эл севган адибларимиз*

# ИСТЕЪДОД ЖИЛОЛАРИ

**Сўнгги чорак аср давомида адабий-бадиий танқидчилигимизнинг камрови кенгайиб, парвози юксалиб, ижодий жараён билан яқин алоқада ривожланди, унинг етакчи йўналишларини тезкорлик билан илғашга, тадқиқ этишга интилди. Бу юксалишнинг самараларини адабий портрет тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда мунаққидларимиз турли халқлар адабиётининг донгдор санъаткорлари ҳақида, шунингдек, ХХ аср ўзбек ёзувчиларининг деярли ҳамма «тўнғич» ва «ўрта» авлоди тўғрисида адабий портретлар яратдилар. Адабий портрет жанрининг равнақига ўзбек танқидчилигида мунаққид Озод Шарафиддинов улкан ҳисса қўшди. Унинг «Яловбардорлар» (1974) китоби ўн беш улкан ёзувчининг ёрқин қиёфасини гавдалантирди.**

Олимнинг «Истеъдод жилолари» китоби ҳам адабий портретлардан ёки уларнинг чизгиларидан иборат мақолалардан жамланган. Бу тўпламга ХХ аср ўзбек адабиёти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган, энг истеъдодли ёзувчилар ҳақидаги мақолалар киритилган. Танқидчи А.Расулов «Етти портрет» номли мақоласида («Шарқ юлдузи», 1977, N 6) тўпламдаги мақолаларнинг барчасини бир йўла портрет жанрининг намуналари, деб эълон қилиб юбораверган. Агар уларнинг моҳиятига чуқурроқ кирилса, барчасини бир хилда тўлақонли портрет деб аташ қийинлиги аён бўлади. Жумладан, «Чўққи» мақоласида адабиётимиз равнақига катта ҳисса қўшган, шуҳратини жаҳон миқёсига олиб чиққан шоир Ғафур Ғулом ижоди устида мулоҳаза юритилади. Унда шоир илк давридан бошлаб ўзини халқнинг беминнат дастёри, жўшқин ҳаёт куйчиси деб билганлиги кўрсатилади.

Китобдаги «Дарёдил шоир» мақоласи ҳам Ғафур Ғуломга бағишланган. Аммо мақола бошқача характерга эга. Танқидчи унда шоирнинг бирор асарини таҳлил қилмайди, балки ёшлик таассуротларини, катта санъаткор билан учрашув ва суҳбатларидан қолган хотираларини аён қилади. У турли давр, турли жойларга мансуб хотиралар воситасида Ғафур Ғуломнинг бетакрор инсоний фазилатларидан баъзиларини жонлантиришга муваффақ бўлади. Ўз-ўзидан аёнки, нуқул хотиралар асосига қурилган мақола ҳам чинакам адабий портрет жанри намунаси ҳисобланиши қийин. Шунга қарамай, адабиётшуносннинг Ғафур Ғулом ҳақидаги бу икки мақоласи бир бўлиб, бизнинг шоир тўғрисидаги тасаввуримизни бойитади.

Муаллиф қайси ёзувчи ижоди устида фикр юритмасин, образли мулоҳазаларни илгари суришга, мушоҳадаларини жонли ифодалашга интилади. Англашиладики, айрим мулоҳазалардангина иборат бўлганлиги сабабли Ойбек ҳақидаги «Сўз санъатига фидойи садоқат» мақоласи ҳам ҳақиқий адабий портрет намунаси ҳисобланиши мушкул. Демак, юқорида тилга олинган уч мақолани адабий портретдан кўра унинг чизгилари деб қараш тўғрироқ бўлади. Китобдаги кейинги мақолалар эса, юқоридагилардан адабий портрет жанрининг кўпроқ хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган.

Хусусан, Ойбек ҳақидаги мақолада ёзувчи шахси ва ўзини ноҳақ танқид қилган мунаққидларга муносабати тўғрисидаги фикрлар янгилиги ҳамда ниҳоятда ибратлилиги билан «Улкан ҳаётнинг илк саҳифалари» номли мақола Садриддин Айний ҳақида илгарилари эълон қилинган ўнлаб адабиётшунослик асарларидан ўзининг мазмундорлиги ва оригиналлиги билан ажралиб туради.

Мукаммаллик, мазмундорлик, образлилик ва таҳлилнинг чуқурлиги сингари фазилатлар китобдаги «Истеъдод жилолари» сарлавҳали мақолада, айниқса, яққол кўзга ташланади. Бу мақолада ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг моҳият эътибори билан янги адабий портрети яратилган. Абдулла Қаҳҳор ҳақида илгари эълон қилинган кўплаб илмий ишлардан фарқли ўлароқ, мазкур портретда ёзувчининг шахсияти ҳам, ижодий лабораторияси ҳам, истеъдоди ва услубининг ўзига хос томонлари ҳам кенг миқёсда қамраб олинган. Мақолада бадиий асарларнинг муфассал, образли таҳлили билан мантиқий мушоҳада юритиш воситасида асосли хулосалар ва умумлашмалар чиқариш хусусияти ўзаро чатишиб кетган ҳамда портретга жозибадорлик, ҳаққонийлик, ишонтириш қудрати бахш этган.

Айтганимиздек, китобда ХХ аср ўзбек адабиёти равнақи йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилган ёзувчиларнинг мукаммал ва мухтасар портретини яратишга катта эътибор берилган. Шундай ёзувчилардан яна бири Комил Яшиндир. Унинг шоирлик, драматургик, раҳбарлик, шунингдек, адабий-танқидчилик ва таржимонлик фаолияти «Саркор» адабий портретида муфассал ёритилган. Фақат мақолада Яшин асарлари ўша давр танқидчилиги руҳига ҳамоҳанг тарзда ўта кўтаринки баҳоланган бўлиб, адибнинг ҳаққоний сиймосини тасаввур қилишга имкон бермайди.

«Ижоднинг катта йўлида» сарлавҳали портрет ҳам ёзувчи Асқад Мухтор ҳақида адабиётшунослигимизда яратилган энг яхши мақолалар қаторидан ўрин олди. Бироқ бу мақола мазкур китобга киритилганда аввалги нашрлардагига нисбатан бирмунча номукаммал бўлиб қолган. Демак,«Истеъдод жилолари» китобига кирган ҳолида «Ижоднинг катта йўлида» мақоласини ҳам тўла маънодаги адабий портретнинг мукаммал намунаси деб қараш анча қийин туюлади.

Тўпламдаги адабий портретларга хос фазилатларнинг кўпчилиги китобдан ўрин олган «Ижод довонлари оша...» номли сўнгги мақолада ҳам кўзга ташланади. Мақола ёзувчи Одил Ёқубовнинг ижодий йўли, асарларининг айрим хусусиятлари борасида муайян тасаввур бериши ҳамда нозик кузатишларга ва қимматли умумлашмаларга бойлиги билан диққатга сазовордир. Аммо мазкур мақолада китобдаги аввалги портретлар, хусусан, «Истеъдод жилолари» сарлавҳали мақоладагига нисбатан бадиий асарлар таҳлили бирмунча чуқур эмасдек туюлади. Танқидчи О.Ёқубовнинг кўпчилик асарлари таҳлилида улардаги қаҳрамонлар образига алоҳида-алоҳида тавсиф бериш йўлидан боради. Гоҳида персонажларга хос хусусиятларни санаш жараёнида бадиий асарлар мазмуни керагидан ортиқроқ даражада қайта ҳикоя қилиб юборилгандек кўринади. Бироқ, бундай жузъий нуқсонлар «Истеъдод жилолари» китобидаги барча мақолалар учун муштарак ҳисобланмайди. Шу сабабли таниқли танқидчи Озод Шарафиддиновнинг ушбу китоби юқорида санаб ўтилган кўплаб фазилатларига кўра ўзбек адабиётшунослигининг 70-йиллардаги ютуғи ҳисобланади. У адабий жараён равнақига кучли таъсир кўрсатди.

Озод Шарафиддиновнинг сўнгги йилларда эълон қилинган кўплаб асарлари ҳам унинг ўзбек танқидчилигида моҳир портретнавис даражасига кўтарилганлигидан ва илгариги мақолаларида кўзга ташланган нуқсонларнинг аксариятидан қутула борганлигидан далолат беради. Жумладан, муаллиф сўнгги вақтларда Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, Мустафо Чўқай ва Отажон Ҳошим каби адибларнинг мазмундор портретларини яратдики, улар муаллифнинг бадиий асарларни ҳаққоний баҳолаш, ижодий жараённи тўғри ёритиш ва адабиёт намуналарини теран ҳамда янгича талқин қилиш санъати ниҳоятда юксалганлигини кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда эълон қилинган «Чўлпон» китоби мунаққиднинг адабиётшуносликка қўшган улкан ҳиссаси ҳисобланади. Бу китоб шоир Чўлпоннинг танқидчиликда яратилган биринчи адабий портрети бўлиб, муаллифнинг мазкур санъаткор ижодини халққа қайтариш йўлида чеккан чексиз заҳматлари ва буюк хизматининг самараси сифатида дунёга келган. Китобда муаллиф ўз олдига, энг аввало, Чўлпон ижодини халққа қайтариш, қутлуғ номини ва адабиётдаги ўрнини тиклаш мақсадини қўяди. Бунинг учун у асосий эътиборини икки муҳим масалага қаратади. Биринчидан, танқидчи 30-йилларда Чўлпон буткул ноҳақ айбланганлигини, унинг ижодида миллатчиликдан асар ҳам йўқлигини исботлайди. У Чўлпоннинг миллатчи ва «халқ душмани» сифатида қораланиши мутлақо асоссизлигини ҳеч бир шубҳа қолдирмайдиган даражада очиб бериш учун ирқчилик, миллатчилик билан миллатпарварлик орасидаги фарқлар ҳақида ўринли ҳамда қизиқарли мушоҳада юритади.

Иккинчидан, танқидчи Чўлпон ижодининг халққа қайтарилиши зарурлигини унинг ҳақиқий улуғ санъаткор ва буюк истеъдод соҳиби бўлганлиги билан исботлайди. Бунинг учун у ўз китобида Чўлпон ҳаёт ва ижод йўлини кўп томонлама қамраб олишга, адибнинг ёрқин сиймосини гавдалантиришга ҳаракат қилади. Натижада, Чўлпоннинг таржимаи ҳоли ва асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларига оид кўплаб янги қарашлар, кузатишлар, талқинлар ва умумлашмалар илгари сурилади.

«Чўлпон» китобининг энг қимматли томони шундаки, унда адибнинг бутун ижод йўли изчил тарзда қамраб олинган бўлиб, ёзувчи насри, лирикаси, драматургияси ҳамда адабий-танқидий қарашлари тўғрисида илк бор яхлит ҳаққоний маълумот берилган. Адибнинг ижодий йўлини ёритар экан, мунаққид Чўлпоннинг заифгина насрий машқларидан буюк шоир даражасига кўтарилишидаги тадрижий ривожини кўз ўнгимизда яққол гавдалантиради. Бунинг учун у Чўлпоннинг кўплаб асарларини, хусусан, шеърларини, «Кеча ва кундуз» романи ҳамда «Ёрқиной» драмасини ҳозирги замон танқидчилигининг энг самарадор методлари асосида таҳлилдан ўтказади. Янгича талқин эса ўз-ўзидан Чўлпоннинг ХХ аср бошларидаги энг улуғ ўзбек шоири эканлиги тўғрисидаги хулосани асослашга имкон туғдиради. Шу билан бирга муаллиф Чўлпоннинг 30-йилларда замонасозлик руҳи билан йўғрилган асарлар ёзишга мажбур бўлганлигидан ҳам кўз юммайди. Демак, бу далил муаллифнинг илгариги кўп портретларига қараганда мазкур китобида танқидий нигоҳи анча ўткирлашганлигидан гувоҳлик беради.

Санаб ўтилган фазилатларига кўра Озод Шарафиддиновнинг «Абдулла Қаҳҳор» ва «Чўлпон» китоблари унинг портретнавислик соҳасида эришган энг жиддий ютуқлари даражасига кўтарилади.

Англашиладики, танқидчиликда қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида қалам тебратиб, Озод Шарафиддинов бу соҳанинг адабий портретдек қийин жанрида энг улкан муваффақиятларни қўлга киритди. У яратган портретларнинг кўпчилиги ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигининг бебаҳо мулки бўлиб қолиши шубҳасиздир.

**Санжар СОДИҚ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

*Касабақўм тавсия қилди*

# ҚАЛБИ ТЎЛА ҚЎШИҚ

**Агросаноат мажмуи ходимлари Дўстлик туман касаба уюшмалари қўмитаси раиси Анвар Омонов бултур дала меҳнаткашларига намунали хизмат қилган савдо, тиббиёт, маданият ва санъат ходимларини рағбатлантириш маъносида миннатдорчилик хатлари йўллаганди.**

**Шу хатлардан бирини менга кўрсата туриб шундай деди:**

- Шу йигит ҳақида бир ёзсангиз-чи. Кўнгли тўла қўшиқ, одамларга муомаласи ҳам қўшиқларидай нафис. Чинакам ҳофиз у.

Касабақўм раисининг сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Ҳар қандай машҳур санъаткор ҳам одамлардан шу баҳони олиш учун яшаб, ижод қилади-да. Кўнгли тўла қўшиқ... Муомаласи қўшиқларидай нафис...

Шукуржон Ваққосовни ахтариб, туман маданият уйидан топдим. Рафиқаси Сайёрахон билан янги қўшиқ ва рақсни машқ қилишаётган экан. Маданият бўлими бошлиғи Мирсаид Эшимқулов, таниқли санъаткор Жамила Равшанова, республика миқёсидаги бир неча кўрик ғолиби Санақул Омонов ва бошқалар машқни баҳолаш учун келишган экан. Қўшиқ ва рақс мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишланганi учун ҳам йиғилганлар ўта талабчанлик қилишарди.

Суҳбатимиз қисқа бўлди. «Ўзингиз ҳақингизда айтиб беринг-чи», дегандим, «Санъатнинг остонасидагина турган ҳаваскор бўлсам, нимани ҳам айтардим», дея бироз ўйга толди. Сўнг бундан беш йил бурун биринчи концерт премьераси пахтазор уватида, пахтакор ва механизаторлар ҳузурида бўлганини, уларнинг оташин қарсаклари ўзига ишончини мустаҳкамлаб, орзуларига қанот бағишлаганини қўшиб қўйди.

Ҳа, у шу кунни биринчи синов куни сифатида асло унутмайди. Шу кундан бошлаб ўз устида қаттиқ ва жиддий ишлади. Қўшиқларини юрак ҳарорати билан йўғиришга интилди. Қўшиқ учун шеърлар танлашда мазмун ва оҳанг муштараклигига, халқчиллигига эътибор бера бошлади. Шу сабаб чўлқуварлар уни пахтазор уватидаги «саҳна»дан хўжаликлар клубларига, дала шийпонларига, туманга келувчи меҳмонлар ҳузурига, байрам тантаналари ва тўйларга йўлладилар. Демак, одамларга манзур бўлаётир.

Шукурнинг болалиги таниқли шоир ва санъаткорлар Саъдулла Ҳаким, Эсон Лутфуллаев, Бахтиёр Холхўжаев ва Баҳрулла Лутфуллаевларни эл-юрт хизматига камарбаста этган Гараша қишлоғида кечди. Унинг отаси Шайдулла ака билан онаси Солия опа ҳам улар билан болаликдан қўшиқ куйлаб катта бўлишган. Шукуржон эса ижрочиликнинг сир-асрорини ўша муҳтарам санъаткорлару ота-онасидан ўрганди. Дарвоқе, Шайдулла ака 20 йил чўл қувиб, Дўстлик туманида мироблик қилди.

Мамлакатимиз тарихига Оила йили деб ёзилган 1998 йил Шукур Ваққосов ҳаётида унутилмас бўлди. У йил бошида вилоят эстрада ижрочилари кўрик-танловида қатнашиб, учинчи ўринни олди. Сўнг ота-онаси Шайдулла ота, Солия она, опаси Комила, фарзандлари Феруза, Шоҳруҳ, Ҳумоюн, Бобур, рафиқаси Сайёрахон ва оиланинг бошқа аъзолари — жами 21 киши бўлиб оилавий ансамбллар республика кўрик-танловида биринчи ўринни эгалладилар. Ана шу муваффақият сабаб бўлиб Шукур Ваққосов республика санъат мухлисларига ҳам танилди. У ва оила аъзолари концерти республика телевидениесида намойиш этилди. Шукуржоннинг 11 та қўшиғи республика радиосининг олтин фондига ёзиб олиниб, эшиттирилмоқда.

Шукуржоннинг ўзи айтганидай, «санъат остонасида турган» йигитнинг дастлабки ижодий ютуқлари ҳозирча шулар. Ҳа, айтганча, у республика телевидениесининг «Камолот-90» ёш қўшиқчилар танловида ҳам иккинчи ўринни олган эди.

Шукур Ваққосов ва у бошлиқ оилавий санъаткорлар гуруҳи шу кунларда «Онасан-доносан, аёлсан-чексиз орзу хаёлсан» номли дастур устида ишламоқдалар. Омад ёр бўлсин, чўлқуварларнинг қалби қўшиққа тўла ҳофизи!

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Инсон номига иснод*

### ЯШИРГАННИ ЯШИРМОҚЧИ БЎЛДИ-Ю...

Сир эмас, айрим ишбилармонлар «даромади»ни давлатдан яширсам, дейди. Шу мақсадда турли ҳийлаю-найрангни ишга солишади. Бироқ солиқчилар эса қоғозларни титкилашиб, уларнинг яширганини топишга интилишади. Лекин, яширилган нарса топилгани билан уни яна яширишга уринишса-чи - худди Оҳангарон шаҳрида бўлганидек...

Дарвоқе, Оҳангарон шаҳрида туман давлат солиқ идорасининг масъул раҳбарларидан бири 30 минг сўм пора билан қўлга тушди. Дув-дув гап. Нима эмиш, ишонган солиқчилардан биттаси бир фермернинг яширган даромадини яшираман деган экан, ўртада ички ишлар ходимлари пайдо бўлиб, унинг иши расво бўлибди.

Хуллас, ҳозирча бу ҳангомадан бир шингили. Ички ишлар ходимлари солиқчи ва фермер билан батафсил суҳбатлашиб бўлгач, нима гап бўлганини кейинроқ хабар қиламиз.

### МОМОЛАР ҚОТИЛИ КИМ?

Қўқон шаҳри Озодлик хиёбонидаги хонадонларнинг биридан икки нафар аёлнинг жасади топилгач, ички ишлар ходимлари қотилни топишга киришдилар. Бири олтмишдан ошган ва иккинчиси тўқсонни қоралаб қолган бу аёлларни ўлдириш кимга керак бўлиб қолди экан?

Шундай савол билан қотилни топишга киришган милиция ходимлари кўп ўтмай уни аниқладилар. Ўзаро жанжал туфайли содир этилган бу мудҳиш иш айбдори сал кам олтмиш ёшга яқинлашиб қолган ва муқаддам судланган Ш.Й. бўлиб чиқди.

Момоларнинг умрига зомин бўлган бу қотилнинг қилмиши юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Матбуот маркази катта нозири, милиция капитани.**


## «ILM RIVOJI» Ўқув фирмаси

**«ИНГЛИЗ ТИЛИ»га ихтисослаштирилган бир йиллик ўқув курсига**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Унда «Таржимонлик» мутахассислигига тайёргарлиги бўлмаган шахслар ўқитилади**

Дарслар ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар тугагач, 3 тилда «Таржимонлик мутахассислигига эга» деб ёзилган диплом берилади.

Машғулотлар 23 апрелдан соат 15.00 да бошланади.

Мурожаат учун телефонлар: 55-24-99, 54-39-72.

**Манзил: Тошкент шаҳар, «Халқлар дўстлиги» шоҳкўчаси, 44-уй, 9-қават.**

**Мўлжал: М.Улуғбек метроси бекатидан учинчи 9 қаватли бино, «Меҳнат резервлари» спорт мажмуаси қаршисида.**



Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН



Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79.
Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-19-11. Қумқўрғонда - 54-3-58.



Сотувда эркин нархда.
Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи; 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти – 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0289. Нусхаси — 18.090.

123456